Каталог

Сканирован23-05-08 1112.pdf ........ 1
Сканирован23-05-08 1117.pdf ........ 2

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
Mas'uliyati cheklangan jamiyati
«MEZON AUDIT SERVIS»
auditorlik tashkiloti

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
Аудиторская организация
с ограниченной ответственностью
«MEZON AUDIT SERVIS»

160130, Наманган шаҳар. 5-а кичик ноҳия 65-уй, 25-хона. телефон: (+99898) 7728797, (+998 93) 9477134
Х/Р-20208000004103755001. АТБ «Капитал банк» Наман. ф. МФО: 01085. СТИР: 203527364. КТУТ: 84400
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2008 йил 10 апрелдаги АФ 00027- сонли лицензияси.

# МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**«NAMANGAN CHORSU DEHQON UNIVERSAL BOZORI» aksiyadorlik jamiyatiга (СТИР 200 055 321)**

## Фикр билдирилиши:

Биз Наманан шаҳридаги «Namangan Chorsu dehqon universal bozori» aksiyadorlik jamiyatiнинг 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилга қадар бухгалтерия баланси, 2022 йил учун молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботи, ўз капитали тўғрисида ҳисоботи ва пул оқимлари ҳаракати тўғрисида ҳисоботидан иборат молиявий ҳисоботларини, шунингдек молиявий ҳисоботларга тушунтиришларнинг, ҳисоб сиёсатининг асосий қоидаларини қисқача шарҳини қўшган ҳолда, аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, илова қилинаётган молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ равишда 2022 йил 31 декабрь ҳолатига «Namangan Chorsu dehqon universal bozori» aksiyadorlik jamiyatiнинг молиявий ҳолатини, шунингдек унинг молиявий натижаларини ва пул маблағларининг шу санада тугаган йилдаги ҳаракати ҳақида ҳаққоний ва ишончли тасаввур беради.

## Фикр билдириш учун асос

Биз аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ равишда аудит ўтказдик. Мазкур стандартларга мувофиқ равишдаги бизнинг мажбуриятларимиз қуйирокда бизнинг хулосамизнинг *"Аудиторнинг молиявий ҳисоботнинг аудит учун масъулияти"* бўлимида ёзма равишда кўрсатилган. «Namangan Chorsu dehqon universal bozori» aksiyadorlik jamiyatiда молиявий ҳисоботни аудитдан ўтказишимизга нисбатан қўлланадиган одоб нормаларига мувофиқ равишда биз «Namangan Chorsu dehqon universal bozori» aksiyadorlik jamiyatiга нисбатан мустақилмиз, ва мазкур талабларга мувофиқ биз томонимиздан бошқа одоб мажбуриятлари бажарилган. Биз томонимиздан олинган аудиторлик далиллари бизнинг фикримизни билдиришимизни ифодалаш учун етарли ва лозим даражада деб ҳисоблаймиз.

## Раҳбариятнинг ва молиявий ҳисоботлар учун жавобгар шахсларнинг масъулияти

Раҳбарият мазкур молиявий ҳисоботларнинг Бухгалтерия хисобининг миллий стандартларига мувофиқ равишда тайёрланиши ва ишончли тақдим

этилиши ва виждонсизларча ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги муҳим бузиб кўрсатишларга эга бўлмаган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун раҳбарият зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизими учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда раҳбарият «Namangan Chorsu dehqon universal bozori» aksiyadorlik jamiyatiнинг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти баҳоланиши учун жавобгардир, фаолият узлуксизлигига оид маълумотларнинг тегишли ҳолларда очиб берилиши учун жавобгардир, бундан раҳбарият «Namangan Chorsu dehqon universal bozori» aksiyadorlik jamiyatiни тугатмокчи, унинг фаолиятини тўхтатмоқчи ёки унда тугатиш ёки фаолиятни тўхтатишдан ташқари реал муқобиллик мавжуд бўлмаган ҳоллар мустасно.

Бошқарув учун жавоб берувчи шахслар «Namangan Chorsu dehqon universal bozori» aksiyadorlik jamiyatiнинг молиявий ҳисоботлари тайёрланиши устидан назорат учун жавобгардирлар.

**Молиявий ҳисоботларнинг аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги**

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар ўз ичига виждонсизларча ҳаракатлар ёки хатолар оқибатидаги муҳим бузилишларни олмаганлигига оқилона ишончни қўлга киритишдан, ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудиторлик хулосасини ишлаб чиқишдан иборатдир. Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражасидан иборат бўлади, бироқ аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит муҳим бузиб кўрсатишлар мавжудлигида уларни ҳамма вақт очиб беришининг кафолати бўла олмайди. Бузиб кўрсатишлар виждонсизларча ҳаракатларнинг ёки хатоларнинг натижаси бўлиши мумкин ва агар улар алоҳида ёки жамланган ҳолда фойдаланувчиларнинг шу молиявий ҳисоботлар асосида қабул қиладиган қарорларига таъсир этишлари мумкин деб асосли тахмин қилиш мумкин бўлса, муҳим деб ҳисобланадилар.

Молиявий ҳисоботларнинг аудити учун аудиторнинг масъулиятининг батафсилроқ баёни «MEZON AUDIT SERVIS» аудиторлик ташкилотининг тегишли хужжатларида кўрсатилган. Бу баён аудиторлик хулосамизнинг бир қисмидир.

**Auditorlik tashkiloti номидан** **А.Юсупжанов**

**Аудитор** **А.Юсупжанов**

*Наманган шахри, Давлатобод тумани Янги тонг МФЙ*
*5-а кичик нохия кўчаси 65/26-уй.*

*15 апрел 2023 йил*